

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг янги раҳбари ўз лавозимига киришди



16:36 / 18.11.2021 1682

Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котиби чоршанба куни ўз лавозимига киришди. Бу ҳақда Саудия Пресс агентлиги хабар берди.

Arabnews.com хабар беришича, ўтган йилнинг ноябрь ойида Нигер пойтахти Ниамей шаҳрида Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 47-сессияси бўлган ва Ислом ҳамкорлик ташкилотининг янги раҳбари этиб Хиссейн Брахим Таха сайланган.

Унинг ИХТдаги ваколат муддати беш йил. Таха ўз мамлакатида ташқи ишлар, Африка интеграцияси ва халқаро ҳамкорлик вазири, Нигер президентининг дипломатик маслаҳатчиси, мухтор вазир ҳамда Франция, Испания, Португалия, Греция ва бошқа мамлакатлардаги Фавқулодда элчи

каби қатор лавозимларда ишлаган дипломатдир.

У Саудия Арабистонидаги Чад элчихонасида катта маслаҳатчи ҳам бўлган. Француз, араб ва инглиз тилларини биладиган ИХТнинг янги раҳбари Чад миллий ордени, Франциянинг Фахрий легиони миллий ордени ва фахрий элчи унвонлари билан тақдирланган.